2010 йил 5 апрель, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (11.625)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида қонунлар ижроси мониторинги муаммоларини ўрганиш ва бу тизимнинг қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришдаги ролини оширишга бағишланган «Қонунлар ижроси мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

• Жиззах шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», "Меҳр нури" жамғармалари ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан «Биз — бир жамоамиз!» шиори остида анъанавий ёшлар акцияси ўтказилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбир иштирокчилари «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази Жиззах вилояти бўлими фаолияти, шунингдек, вилоят маркази Ёшлар шаҳарчасидаги маданий-маърифий, спорт, илмий-техник, ижодий ва хизмат кўрсатиш муассасаларида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

• Марғилон шаҳридаги «Адрас» меҳмонхонасида ЮНЕСКО ҳомийлигида «Миллий либос — замонамиз кўрки» шиори остида «Водий камалаги» мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда қўшни Андижон, Наманган, Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятидан, Фарғона, Қўқон шаҳарларида фаолият кўрсатаётган уста чеварлар, дизайнерлар иштирок этди.

• Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Сиз қонунни биласизми?» танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди.

• Навоий вилоятида Наврўз байрами кунлари кўплаб оилаларга янги уйларнинг калити топширилди. Нуротанинг 20 нафар чорвадори ҳам янги уй тўйларини ўтказишди.

• Ангрен шаҳридаги умумтаълим мактабларида «Аждодлар мероси— келажак пойдевори» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИҲ томонидан ташкиллаштирилган ушбу танловда 73 та мактабдан 900 нафар ўқувчи ғолиблик учун баҳслашди.

• Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 18 та корхона ва ташкилот 152 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка якунига кўра 81 кишига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

• Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Бекобод қишлоғида 615 та ўқувчи ўрнига эга компьютер технологиялари коллежининг қурилиши ниҳоясига етди. Бу ерда қурилиш-тиклаш ишларини «Файзиобод бинокор» фирмаси амалга оширди.

• Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» фермерлар уюшмасида «Шодлик» мактабгача таълим муассасасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда тарбияланувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

### ЖАҲОНДА

• АҚШ маъмурияти мамлакатнинг Атлантика океани жанубий соҳилларида нефть ва газ қазиб олиш бошланишини маълум қилди. Бу лойиҳа янги иш ўринларини ташкил этиш билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

• Хитойда фаолият кўрсатаётган хорижлик журналистлар ассоциацияси ходимларининг Интернетдаги саҳифалари ва электрон почталари тўсатдан ёпилиб қолди. Ҳозирча мазкур иш ким томонидан амалга оширилганлиги маълум эмас. Тахминларга кўра, бунда хакерларнинг қўли бор. Ҳозирда текшириш ишлари олиб борилмоқда.

• Сомалилик денгиз қароқчилари Эроннинг Taica кемасини гаровга олишди. Мисрдан Эронга йўл олган ушбу кемага апельсин ортилган бўлиб, юкнинг баҳоси 4 миллион долларни ташкил этади. Ҳозир кема Сомали қирғоқларидан 640 километр узоқликда ушлаб турилибди. Қароқчилар қанча гаров пули талаб қилаётгани ҳақида ҳам маълумотлар йўқ. Сўнгги хабарларга қараганда, сомалилик қароқчилар шу кунгача 10 га яқин кема ва 150 нафар денгизчини гаровда ушлаб туришибди.

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2010 йил 2 апрель куни Тошкент шаҳрида (Ўзбекистон Республикаси) Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн олтинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

ШҲТ МАТТ Кенгаши 2010 йилнинг март ойида Россия Федерациясида содир этилган ва кўплаб инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади ва ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризмга қарши кураш йўлидаги ҳамкорлик ҳаракатларини янада кучайтириш зарурлигини баён қилди.

ШҲТга аъзо давлатларнинг 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллигини нишонлашга бағишлаб Россия Федерациясида ўтказиладиган тадбирлар хавфсизлигини таъминлашда Россия Федерациясига, ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлиси хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасига ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирлари маъқулланди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Д.Жуманбековнинг ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорларини ижро этишнинг бориши, ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг амалга оширилиши тўғрисидаги ахборотлари тингланди, ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига тақдим этадиган ШҲТ МАТТнинг 2009 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботи лойиҳаси маъқулланди. Мажлис қатнашчилари терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар. ШҲТ МАТТ фаолияти терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасида замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш талабларига тўла жавоб бериши таъкидланди.

Терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ШҲТга аъзо давлатлар тегишли органлари вакиллари иштирокида терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасига оид тезкор ахборотлар алмашиш учун мунтазам равишда мажлислар ўтказиб боришга, шунингдек, йирик халқаро терроризм ташкилотларидан бирининг ғайриқонуний фаолиятига қарши ҳамкорликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалалари бўйича гуруҳ ташкил этишга қарор қилинди.

ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш мақсадида 2010 йилда Россия Федерацияси ҳудудида ШҲТга аъзо давлатлар тегишли органларининг қўшма антитеррор машқларини ўтказиш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

Кенгаш ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, кадрлар ва молиявий таъминлашга ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2010 йилнинг сентябрь ойида Олмаота шаҳрида (Қозоғистон Республикаси) ўтказишга келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий ва дўстона руҳда ўтди.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Саноат

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Кўплаб маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар учун яратилаётган имкониятлар ички бозорни сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси остида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.**

«Агрегат заводи» акциядорлик жамиятининг қишлоқ хўжалигида унумли қўлланиладиган маҳсулотлари бугунги кунда сифати, рақобатбардошлиги боис Ҳамдўстлик давлатларида ҳам харидорини топмоқда. Корхонанинг республика ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларда иштироки янги ҳамкорлар орттиришга, фойдали шартномалар тузилишига асос бўлмоқда.

Ўтган йилда корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 107 фоизга таъминланди. Айни кунларда жамоа қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиладиган сеялкалар, ОВХ-600 пуркагичлари, насослар, редукторлар ишлаб чиқариш билан машғул бўлмоқда.

Асосий буюртмачилар — «Ўзпахтасаноат», «Ўздонмаҳсулот» уюшмалари, «Ўзбеклизинг» компанияси қаторида «Ўзқишлоқмашсервис» ҳамда «Ўзавтосаноат» компаниялари билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш юзасидан изланишлар давом этаётир.

Бугунги кунда корхонада ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, бу борада ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор янги лойиҳалар устида саъй-ҳаракатлар бошланган.

**Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: корхонада ишлаб чиқариш жараёни қизғин.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

Фармон ва ижро

## ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА

**Президентимиз томонидан белгилаб берилган миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўли янги технологияларни ўзлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.**

Буни «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг етакчи энергия таъминот бўлинмаси — «Ўзбекэнерготаъмир» очиқ акциядорлик жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Энергия тизимининг ишончли ишлаши эҳтиёт қисмлар, деталлар, узеллар, иссиқлик ва электр изоляция материалларини қўллаган ҳолда махсус жиҳозлар ва мосламалардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш бўйича катта ҳажмдаги ишларни бажариш билан боғлиқдир.

"Ўзбекэнерготаъмир" очиқ акциядорлик жамияти ишчилари иссиқлик электр станцияларининг асосий ва ёрдамчи ускуналарини таъмирлаш, монтаж, модернизация ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширмоқда, энергия ускуналарининг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқармоқда. Корхонада қайта тикланган мис симлардан фойдаланган ҳолда юқори вольтли электр двигателлари стартёрларининг чўлғамлари секцияларини тайёрлаш импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида устувор йўналишлардан бирига айланди ва бу катта миқдордаги маблағни тежаб қолиш имконини бермоқда.

Иссиқлик электр станцияларининг юқори вольтли электр двигателларини капитал таъмирлаш бўйича тобора ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш учун корхонада таъмирлаш операцияларини механизациялаштириш ҳисобидан қўл меҳнатини камайтириш имконини берадиган технологик линия яратилиб, муваффақиятли жорий этилди. Ушбу линия электр двигателлар стартёрларини куйдириб юмшатадиган печлар, тўғри бурчакли симларни текислаш, яримтайёр маҳсулотларни ўраш ва чўзиш дастгоҳлари, турли пресслаш ва ўгиргич мосламаларидан иборат. Конструктор ва технологларнинг самарали фаолияти туфайли чўзадиган ва ип ўрайдиган дастгоҳлар тайёрланиб, фойдаланила бошлади. Таъмирланган ускуналарни назорат қилиш ва қабул қилиш-топшириш синовларини ўтказиш учун электр техника лабораторияси ташкил этилди ҳамда сертификатланди. Муваффақиятли амалга оширилган ушбу тадбирлар туфайли таъмирлаш ишлари сифатли ва белгиланган муддатда бажарилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги фармонига мувофиқ ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик заҳираларни қидириб топиш ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2009 йилда таъмирлаш хизматлари нархи пасайди ва 1,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди.

Энерготаъмир хизматининг иссиқлик электр станциялари ишчилари билан яқин ҳамкорликдаги самарали фаолияти — иқтисодиёт асосий тармоғининг 2010 йил ва яқин истиқболга белгиланган режаларини муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли кафолатидир.

**В.РУДАКОВА, ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси ҳузуридаги Микробиология институтида ўтказилган тадбирда ёш тадқиқотчилар томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш мақсадида янги микробиологик препаратлар, биоўғитлар яратилганлиги маълум қилинди.

✓ **МАКТАБ** директорлари ўринбосарлари, ўқитувчилари иштирокида 16-мактабда Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан уюштирилган ўқув семинари баркамол авлод тарбиясида устоз ва мураббийларнинг ўрни масаласига бағишланди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗ** мактаблари бир гуруҳ ўқувчилари Ўзбекистон Геология ва минералогия давлат қўмитаси қошидаги Геология музейига экскурсия уюштиришди.

✓ **ТОШКЕНТ** юридик коллежида ўқувчилар томонидан тайёрланган баҳорий ва миллий таомлар кўргазмаси намойиш этилди.

**Тошкент ҳарбий округининг дала ўқув майдонида муддатли ҳарбий хизматни бошлаган аскарларнинг жанговар техника ва қурол-аслаҳа билан танишиш бўйича кўргазмали ўқув машғулоти ўтказилди.**





Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

# КЎРГАЗМАЛИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимини мустаҳкамлаш, эл-юрт тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Қўшинларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлари билан, шунингдек, ишончли анжом-аслаҳа ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши, жанговар шайлиги янада ошмоқда. Бунда шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, замонавий қурол ва техникалардан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ўқув машғулотини ўтказишдан мақсад ҳам Қуролли Кучларимиз сафига яқинда қўшилган аскарларни замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларнинг имкониятлари, қўлланиши ҳамда вазифалари билан яқиндан таништириш, уларда ҳарбий хизматга масъулият ҳиссини янада оширишдан иборатдир.

Ўқув машғулоти давомида офицер ва сержантлар томонидан жанговар қуроллар ҳамда ҳарбий техника воситаларидан амалда фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди, кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

— Биз, аскарлардан ҳарбий техника ва жанговар қуролларнинг ишлатилиши ҳамда вазифасини яхши билиш, уларни сақлаш ҳамда тутиш тартибига қатъий риоя қилиш талаб этилади, — дейди ЎзА мухбирига оддий аскар Санжар Ҳакимов. — Ушбу ўқув машғулотида ана шулар ҳақида атрофлича тушунча ва маълумотга эга бўлдик.

**Холмурод САЛИМОВ**
**ЎзА олган суратлар**

Иқтисодиёт

## ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАР

**Бозор ва дўконларимиз пештахталарида замонавий трикотаж кийим-кечаклар турлари кўпайиб бормоқдаки, энг муҳими, бундай импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг маҳаллий хом ашё асосида ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, ички бозорда ўрнини топиши баробарида хориж давлатларига ҳам экспорт қилинаётганидир.**

«Termo Tex» ана шундай корхоналардан бири саналиб, унинг фаолият кўрсатаётганига эндигина икки йил бўлди. Лекин мана шу қисқа муддат давомида жамоа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор самараси ўлароқ бозорбоп ва харидоргир маҳсулот турларини кўпайтиришга интилмоқда.

— Асосий мақсадимиз ички бозорни сифатли ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаш бўлиб, бунинг учун талаб ва таклифни доимо ўрганиб борамиз, — дейди корхона директори Шариф Исоқов. — Асосан юртимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Улардан маҳсулотларимиз учун зарур хом ашёни оламиз. Кийим-кечаклар турларини кўпайтиришда эса дизайнер-модельерларимиз хориж каталогларидан ижодий фойдаланишади. Шу боис ҳам ишлаб чиқараётган либосларимиз аҳолига манзур бўлмоқда. Кийим-кечакларимизнинг сифатини янада яхшилаш, турларини давр талабига кўра кўпайтириш мақсадида тинмай изланаяпмиз.

Корхонада 12 нафар малакали чевар меҳнат қилмоқда. Улар ҳозирда Япония ҳамда Россиядан келтирилган тикув дастгоҳлари қувватидан унумли фойдаланган ҳолда 20 хилдан зиёд эркаклар, ўсмирлар ва болалар устки кийим-кечакларини тайёрлашмоқда. Цехларга янги дастгоҳлар ўрнатиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, хотин-қизлар учун қўшимча ишчи ўринлари яратиш эзгу мақсадлар сирасига киради.

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Ҳар биримиз ана шундай дамларда шифокорга мурожаат этамиз. Уларнинг тавсияси билан дори-дармонлар қабул қилиб, шифо топамиз.**

Бугунги кунда кўплаб дори-дармонларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлиги албатта изланишлар самарасидир.

«А.В.-Биоком» масъулияти чекланган жамиятида ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, беморлар дардига малҳам бўлиш мақсадида доривор воситалар яратиш, уларни тиббиётга татбиқ этиш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

— Жамиятимиз 1998 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди корхона директори Абдураҳим Акбаров. — 20 дан зиёд малакали мутахассислар, шифокорлар, доришунослар меҳнат қилади. Изланишлар асосида янги препаратларни синтез қилиб, тиббиётга татбиқ этамиз. Масалан, «Кобавит» препаратини оладиган бўлсак, гепатитнинг ҳамма шаклларида, ошқозон-ичак яра турларида, анемияда ишлатилади. У овқат маҳсулотлари билан кирган темир моддасининг организмга сўрилишини таъминлайди, шу хусусияти билан анемик ҳолатнинг олди олинади. Шу боис ҳам мазкур дори бошқа шу турдаги препаратлардан фарқ қилади.

Корхонада янги дори-дармонлар устида изланишлар давом этмоқда.

## ТОЗА ВА ШАФФОФ

**Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда тоза ичимлик сувининг ўрни катта. Шу боис ҳам кўплаб ишлаб чиқарувчиларимиз аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга муҳим ҳисса қўшишга ҳаракат қилишмоқда.**

Ишлаб чиқарувчилар табиий сувни нафақат тозалаб, балки замонавий технологиялар асосида қайта ишлаб, талаблар даражасида қадоқлаб, истеъмолчиларга етказиб беришмоқда. Шу ўринда мамлакатимиз ҳудудларига буюртма асосида тоза сув маҳсулотларини қадоқлаб етказиб бераётган «Billur Suv Servis» масъулияти чекланган жамиятининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Корхона Хитойнинг дастгоҳ ҳамда технологик линиялари билан жиҳозланган. Бу ерда 25 нафар малакали мутахассис Кумушкон сувларини тозалаб, қадоқлаб, истеъмолчиларга етказиш билан машғул.

Маҳсулот айни кунларда 5 ва 12 литрлик пластмасса идишларга қадоқланмоқда. Жорий йилда тозаланган сувларни бир литрлик идишларга қадоқлаб, савдо шохобчаларига етказиб бериш кўзда тутилган. «Серебряная капля» савдо белгиси билан тайёрланаётган тоза ва шаффоф сувлар сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

**Шарофат БАХРОМОВА**

Қарор ва ижро

## БАХТЛИ ОИЛА — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

**Оила жамиятнинг энг муҳим институти, ўзаги ва негизидир.**

Оила ҳар бир халқнинг ва миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятларнинг узвийлигини таъминловчи, умр занжирини мустаҳкамловчи, жисмонан, ахлоқан, руҳий ва маънавий баркамол авлодни тарбияловчи муқаддас даргоҳдир.

Шу мақсадда республикамизда оила мақомига қаратилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар жамланган. Бу борада Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги мамлакатимиз Президентининг фармон ва қарорлари муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи алоҳида ўрин тутади. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида қайд этилганидек, нафақат оилаларни мустаҳкамлаш, балки ўсиб келаётган авлоднинг жисмонан бақувват, соғлом бўлишига, ёшларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш масаласида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлмоқда. Соғлом турмуш тарзи деганда, нафақат ёшларнинг жисмонан соғломлиги, балки уларнинг маънавий соғлом, етук билимга, замонавий касбга эга бўлиши ва бундан унумли фойдаланиш назарда тутилади.

Ёш авлодни ҳар томонлама ривожланишида энг аввало оиланинг бурч ва масъулиятини мустаҳкамлаш зарур. Бу борада ота-оналар, устоз ва мураббийлар, маҳалла фаоллари ўз вазифаларига ўта масъулият билан ёндошишлари зарур. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, барчамиз оилани мустаҳкамлаш, соғлом, баркамол авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга масъул эканлигимизни чуқур англашимиз лозим.

Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Яккасарой туманида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан доимий комиссия фаолияти йўлга қўйилди.

Қайд этилган қарор ижроси юзасидан туман тиббиёт бирлашмаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Маънавият тарғибот маркази ва ФХДЁ бўлимлари, «Оила» маркази билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотлар, тиббиёт муассасалари, мактаблар, академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларида, маҳаллаларда соғлом оилани шакллантириш борасида аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, семинар, мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, туман хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, оилада репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий авлодни шакллантиришга бағишланган «Соғлом она — соғлом бола», «Ўсмирлик даври гигиенаси», «Репродуктив саломатлик масалалари», «Ёшларни турмушга тайёрлаш», «Кийиниш одоби» мавзуларида мактаблар, академик лицей ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Кейинги пайтда ўқув муассасалари негизида туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан тегишли ҳамкорлар билан биргаликда «Оила — муқаддас даргоҳ» мавзусида фуқароларнинг оилавий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий ва тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида машғулотлар ўтказилиши анъанага айланиб бораётир. ФХДЁ бўлими ҳузуридаги «Ёш оила» мактабида ёшларни соғлом оила қуришга тайёрлаш никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар билан ҳам ҳамкорлик ишлари фаоллашиб бормоқда.

Қарорнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ҳамда маънавий етук авлодни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳар бир хонадонга кириб бориш, уларнинг ижтимоий аҳволини ўрганишга эътибор қаратилган бўлиб, моддий ва маънавий, тиббий ёрдам ҳам кўрсатиб борилмоқда. Маҳалла йиғини тизимидаги маслаҳатчилар учун тиббиёт соҳасидаги етук мутахассислар иштирокида алоҳида режа асосида семинарлар ҳам ташкил қилинган бўлиб, ҳафтанинг ҳар пайшанбаси «саломатлик куни» сифатида ўтказиб келинмоқда.

Ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бўлади. Оила бор экан, бебаҳо неъмат — фарзанд бўлади. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

**Дилором ШАРИПОВА,**
**Яккасарой тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси**

Тадбирлар

## СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

**Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 23 апрелдаги «Соғлом оилани шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент политехника коллежида «Соғлом оила — юрт таянчи» мавзусида ўқув семинари ташкил этилди.**

Мазкур тадбир ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган бўлиб, бу борада айниқса, назарий билимларини амалда татбиқ этиш каби хайрли мақсадлар кўзланди. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида репродуктив саломатлик ҳамда соғлом турмуш тарғиботини янада кучайтириш, уларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, савиясини ошириш орқали маънавий етук шахс бўлиб етишишлари ҳамда жамиятда ўз ўринларини топишларига кўмаклашишга эътибор қаратилди.

Тадбирга таклиф этилганлар турли соҳа мутахассисларининг мавзу доирасидаги маърузаларини эшитиб, бу борада ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Муҳайё ТЎЛАГАНОВА**

## ҚАЛБИДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

**Мирзо Улуғбек туманидаги 426-мактабгача таълим муассасасида «Баркамол авлод қалбига Ватан туйғусини сингдириш» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.**

Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари, тумандаги мактабгача таълим муассасаси мудиралари, Ахборот-ресурс маркази ходимлари иштирок этди.

Тадбирда болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, билим олишга бўлган қизиқишини оширишда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни, болажонларнинг истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилаётган турли тўгарак ва машғулотлар самарадорлигини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

14, 134, 408, 223, 437, 193, 383, 525-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари томонидан ташкил этилган саҳна кўринишлари ва бадиий чиқишлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Мактабгача таълим муассасасида турли миллат ва элат фарзандлари тарбияланмоқда, — дейди 426-мактабгача таълим муассасаси мудираси Гўзал Умарова. — Уларга миллий маданиятимиз, қадриятларимиз ҳақида янада батафсилроқ маълумот беришда мазкур тадбирнинг аҳамияти беқиёс. Айниқса, юртимизнинг қадимий ва муқаддас қадамжолари Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарлари, тарихий обидалар, мадрасалар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмнинг намойиш этилгани болажонларга олам-олам завқ бағишлади.

Тадбирда боғчадаги корейс, хитой, немис, қозоқ ва рус миллатига мансуб болажонларнинг мамлакатимиз герби, байроғи ва турли миллий анъаналарини ўзбек тилида мукаммал даражада шарҳлаб беришгани барчада катта қизиқиш уйғотди. Боғча қошидаги "Кўзмунчоқ" рақс ансамблининг чиқишлари тадбирга ўзгача кайфият улашди.

Гўзал Умарованинг таъкидлашича, тадбирдан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса келажагимиз давомчилари болажонларни миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларга Ватанимиз тарихи ва буюк аждодларимизнинг бой адабий мероси ҳақида батафсил маълумот беришдир.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

2010 йил — Баркамол авлод йили

# ҲАВАСКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

**Мамлакатимизнинг ишончи ва таянчи бўлган қалби қайноқ, шижоатли, билимли ёшларимиз бугунги кунда турли соҳаларда ўз истеъдодларини намоён этмоқдалар. Улар турли танловлар, кўргазмалар, фестиваллар ва мусобақаларда иштирок этиб, муносиб совринларни қўлга киритишмоқда.**

Куни кеча Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси залида Баркамол авлод йилига бағишлаб ҳаваскор фотосуратчиларнинг анъанавий республика кўргазмаси ўтказилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий ҳамда ахборот маркази, «Олтин мерос» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ёш фотоҳаваскорлар иштирок этмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида ёшларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, истеъдодларни аниқлаш, республикамизнинг турли чеккаларида ижод этаётган ёш фотоҳаваскорларни кашф этиш ҳамда уларнинг ижодини кенг тарғиб қилиш мақсадида шу каби тадбирлар ўтказилди.



Шуни айтиш жоизки, кўргазмада ҳаваскор фотосуратчиларнинг ижодида миллий урф-одатларимиз, маданий маросимиз, асрлар давомида сақланиб келаётган қадриятлар ва анъаналарнинг бадиий ёритилишига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур кўргазма икки босқичда ташкил этилган бўлиб, биринчиси февраль-март ойларида Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилди. Якуний босқичда ғолиб деб топилган фотосуратчилар **бугун** тантанали равишда ташкилотчилар ва ҳомий ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совринлари билан тақдирланди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа.**

**Владимир Гранкин олган сурат.**

**Бугунги кунда юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида педагоглар ёш авлодга пухта билим беришнинг замонавий усулларидан фойдаланиб, ўғил-қизларни юксак маънавиятли, теран тафаккурли шахслар этиб тарбиялаш, онгу шуурига эзгулик, ҳалоллик, фидойилик каби фазилатларни чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.**



# ҚАЛБЛАРГА ЗИЁ УЛАШИБ

214-мактаб жамоаси ҳам ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнида мунтазам ноанъанавий усуллар, интерфаол машғулотлар, илғор педагогик технологияларни қўллаб келмоқда. Болаларга фан асосларини тез ва осон, тушунарли тарзда ўзлаштириши, ўз кучи, иқтидори ҳамда қобилиятини намоён қилиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Ушбу ўқув масканида фарзандларимизга 62 нафар малакали ўқитувчилар сабоқ бериб келмоқда. Мактабда ўн битта фан тўгараги мунтазам равишда фаолият олиб боради. Ўқитувчиларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ ҳар йили туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида ўқувчилар совринли ўринларни эгаллаб келиши диққатга сазовордир.

— Давлатимиз томонидан ёш авлоднинг камолоти, замонавий билимларини ўрганиш, ўз соҳасининг малакали мутахассиси бўлиб етишишида ўқитувчи касбининг ардоқланаётгани, меҳнатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бизга катта масъулият юклайди, — дейди она тили ва адабиёт ўқитувчиси Насиба Мирсоатова. — Буларнинг барчаси биз, педагогларни янада фаол бўлишга, изланишга, Ватанимиз келажаги бўлмиш ёшлар тарбияси йўлида яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишга ундайди. Ёшларга таълим бериш, билимини бойитиш ва мустаҳкамлашда дарс бериш билан чекланиб қолмай, турли интеллектуал беллашувлар, мусобақалар, кўрик-танловлар, фан олимпиадаларини мунтазам равишда ўтказиб келмоқдамиз.

Шунингдек, қутлуғ саналар, улуғ аллома боболаримизнинг юбилейлари, атоқли шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган маърифий дастурлар ташкил этилиши ўқувчиларни изланишга ва билим доирасини янада кенгайтириб боришга ундайди.

Мактаб муқаддас даргоҳ, ўқувчилар қалбига зиё бағишлайдиган маскандир. Мактаб ёшларни илму маърифат сари етаклайди, ёруғ хаёлларга, ойдин умидларга ошно этади. Таълим-тарбия олаётган ўқувчиларни юртга садоқатли, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишга шай, изланувчан шахслар этиб тарбиялаш, энг юксак фазилатларни чуқур сингдиришда устозларнинг хизмати алоҳидадир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**Пойтахтимизда «Ўзархив» агентлиги томонидан «Архив иши баркамол авлод нигоҳида» мавзуида ёшларнинг маърифий форуми ўтказилди.**

# АРХИВ ИШИ ВА ЁШЛАР

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, тарихчи олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви директорининг ўринбосари Л.Орифжонова, Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви директори Ш.Эрматов ва бошқалар юртимизда тарихимизни холис ва ҳаққоний ўрганиш орқали ёшларда миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, навқирон авлодни миллатимиз учун ёт бўлган зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, уларнинг маънавий-мафкуравий иммунитетини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Юртимизда архив ишини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, соҳани изчил равнақ топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ўзархив» агентлиги томонидан архив иши ва иш юритишни янада такомиллаштиришга, қимматли ҳужжатлар сақланишини таъминлашга ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда тармоқнинг меъёрий ва услубий базасини такомиллаштириш, илғор техника ва технологияларни архив иши амалиётига татбиқ этиш, ҳужжатларга мукаммал илмий-техникавий ишлов беришга оид янгиликлар жадал қўлланмоқда.

Бугунги кунда архив идораларининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлангани, тизимда электрон ҳужжат айланишининг жорий этилгани, нодир ҳужжатларнинг электрон шакллари ва суғурта фондлари яратилаётгани мурожаат этаётган тадқиқотчилар, олимлар, талаба-ёшларнинг илмий изланишида анча қулайлик яратмоқда. Бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини оширишда архив иши билимдонлари, олимлар, тадқиқотчилар, бўлғуси мутахассис кадрлар, талаба-ёшлар иштирокида ўтказилаётган турли анжуманлар, илмий лойиҳалар, грант-дастурлар, кўрик-танловлар, ўқув-семинарлар, ижодий фестиваллар, амалий мулоқотларнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Форумда таъкидланганидек, соҳа равнақи, аввало, унда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касб малакаси, билими ва маҳоратига бевосита боғлиқ. Ҳозир Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти, бир қатор ўрта махсус, касб-ҳунар таълим даргоҳларида архив иши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Бунда назарий машғулотлар билан амалиёт ўртасидаги уйғунликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Форумда архив идоралари билан олий таълим даргоҳлари ўртасидаги илмий-маърифий ҳамкорликни янада кучайтириш, талабаларнинг архив идораларидаги амалиётини замон руҳига ҳамоҳанг тарзда ташкил этиш, битирувчиларнинг битирув-малакавий ишлари мавзуларини белгилашда унинг долзарблиги ва самарадорлиги нуқтаи назаридан ёндашиш, ҳужжатларни сақлаш ва таъмирлаш лабораторияларига кимёгар-технолог мутахассисларни жалб қилиш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган нодир ҳужжатлар, фотосуратлар, хариталардан иборат кўргазма намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Тиббиёт

# ЙИРИК ИЛМИЙ МАРКАЗ

**Патологик анатомия тиббиёт фанининг етакчи соҳаларидан бири сифатида кенг тадқиқ қилинмоқда. Республика патологик анатомия маркази олимлари амалга ошираётган илмий изланишлар ушбу соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Марказда умумий патология, ташхис қўйиш ва болалар патологияси бўлимлари фаолият кўрсатади. Бу ерда шифокор-гистологлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Айни вақтда ёш шифокорлар республика мактаби ҳам иш бошлади. Бу каби саъй-ҳаракатлар туфайли марказда 80 дан ортиқ шифокор, 60 га яқин лаборант ўз билим ва малакасини оширди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти клиник кафедралари билан ҳамкорликда ҳам илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

# ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАРДА

**Терапевтлар ва хусусий тадбиркорлар республика ассоциацияси томонидан уюштирилаётган илмий анжуманлар соҳанинг муҳим масалаларига бағишланмоқда.**

Навбатдаги муҳим мавзудаги тадбирда ҳам қатор долзарб муаммолар атрофлича кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги маърузаларда етакчи мутахассисларнинг кўп йиллик бой тажрибаси умумлаштирилди. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси кафедралари изланишлари кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Анжуманда умумий амалиёт шифокорларига ташхис қўйиш миллий алгоритми бўйича тавсиялар берилди.

# САМАРАЛИ МУОЛАЖАЛАР

**Ҳозир шаҳримизда юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш борасида кенг кўламли тиббий тадбирлар кўрилмоқда.**

Учинчи шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси мутахассислари билим ва малакасини оширишда Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтининг юқумли касалликлар кафедраси томонидан уюштирилаётган 72 соатли сайёр ўқув жараёни қўл келди.

Бир неча ҳамшира эса республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасинини ошириш ва ихтисослаштириш марказида таҳсил олди.

Бу шунга ўхшаш саъй-ҳаракатлар шифохонада беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**

# БИЗ — БИР ЖАМОА

**31 мартдан 22 апрелга қадар юртимиз бўйлаб "Биз – бир жамоа" акцияси ўтказилади.**

"Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг 30 га яқин фаолларидан таркиб топган ушбу гуруҳ узоқ кутилган сафарни кўтаринки кайфиятда бошлашди.

Айтиш жоизки, йилдан-йилга ёшларимизнинг "Келажак овози" кўрик-танловига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Иқтидорли ва қобилиятли ёшларимиз томонидан тақдим этилаётган турли мавзулардаги лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаётгани, уларнинг қўллаб-қувватланаётгани танловнинг юксак самарасидан далолат.

Акция доирасида ёшлар ўзлари учун қизиқарли бўлган маълумотларни олишга эришади, ранг-баранг учрашув, анжуман, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, форумлар ўтказилиши кўзда тутилган.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Сувсоз» трести ДК томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарори, «Сувсоз» трести Давлат корхонасининг 30.03.2010 йилдаги 441/17-сонли хати ва «Сувсоз» трести Давлат корхонасининг 19.03.2010 йилдаги 32 и/ч-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар Миробод тумани, А.Чехов кўчаси, 2-уй манзилида сақланаётган корхонага тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** "Тико" русумли, д/р 10АО203 бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 891 800 сўм. **2.** "Тико" русумли, д/р 10АЕ066 бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 252 800 сўм. **3.** "Тико" русумли, д/р 10АО185 бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 958 800 сўм. **4.** "Тико" русумли, д/р 10АJ384 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 160 600 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 7 май куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 йил 7 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 14 ва 21 май кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан,** 29.01.2010й, №1-151/2010-сонли ижро ҳужжатига асосан, Ўзбекистон Республикаси МХХ омборида сақланаётган "Ласетти" русумли, д/р 10UZ414 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 14 187 750 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 11 май куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 11 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 25 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Мазкур автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг "Ипак йўли банки" ОАИКБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО:01036, ИНН:200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. www.rkmb.uz.

***Диққат !***

**Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади.**

**Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.**

# ХАЛҚ ТАБОБАТИ: КЕЧА ВА БУГУН



*Аждодларга муносиб ворис*

**Пойтахтимизда Ўзбекистонда шарқ табобатининг бугуни ва истиқболларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Ўзбекистон халқ табобати уюшмаси, Корея шарқ табобати маркази ва Тошкент Тиббиёт академиясининг 3-шифохонаси қошидаги Шарқ табобати маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда етмишдан зиёд соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этди.

Сўнгги йилларда жаҳонда халқ табобатига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Даволашнинг анъанавий услублари касалликлар ва сурункали хасталикларни даволаш, узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш мақсадида тобора кенг қўлланилмоқда. Хусусан, аюрведа, биотиббиёт, "канпо" япония тиббиёти, йога-терапия, фитотерапия, даволовчи косметика сингари даволаш услублари нафақат оммабоп, балки самарали ҳамдир. Бундан ташқари, халқ табобати кенг қамровли табиий тизимга эга бўлгани учун ҳам организмни даволаш ва янги шароитларга мослашувида аҳамиятлидир.

Анжуманда юртимизда шарқ табобатининг бугунги кундаги аҳволи, тарихи, мавжуд таълим услублари ва мазкур табобат услублари билан хасталикларни даволаш таҳлил натижаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

– Тадқиқотлар ўтказишда, жамоат фикри ва таклифларини ўрганишда, ушбу соҳа мутахассислари малакасини оширишда Халқ табобати уюшмаси фаолияти эътиборга моликдир, – дейди мазкур уюшма экспертлар кенгаши раиси Муҳаммаджон Ҳамроев. – Бир неча йилдан буён корейс халқ табобати мутахассислари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳар икки давлат мутахассислари, олимларининг ўзаро тажриба алмашишлари учун шароит яратишдир.

Ўзбек-корейс халқ табобатида эришилган ютуқлар, тажрибалар ва мавжуд муаммоларни ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб қилиш замирида инсон саломатлигини асрашдек улуғ мақсад мужассам.

– Ҳар бир соҳада назарий билимлар ҳамда амалиёт якдилликда олиб борилади, – дейди Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги Шарқ табобати маркази шифокори Сурайё Жумаева. – Соҳада мунтазам малака ошириш, билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаб бориш шифокорлар учун муҳим вазифа ҳисобланади. Турли анжуманлар бизга кенг қамровли ишларни амалга ошириш билан бирга хорижлик ҳамкасбларимиз билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкониятини ҳам бермоқда.

Давра суҳбатида маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг шарқ табобатининг янги йўналишлари ва услублари билан яқиндан танишиш, амалиётчи шифокорлар тажрибасига мазкур йўналиш услубларини кенг жалб қилиш ҳамда келгусида уларни ривожлантиришга оид маърузалари тингланди.

**"Туркистон-пресс"**

# ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ ЯНАДА ОММАЛАШМОҚДА

**Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида кураш, белбоғли кураш, улоқ-кўпкари каби миллий спорт турлари жадал ривожланмоқда.**

Ўтган йили улар қаторидан яна бир яккакураш тури – ўзбек жанг санъати жой олди. Ўзбек жанг санъати федерацияси шу йилнинг ўзида WoMAU – Бутунжаҳон миллий жанг санъатлари уюшмасига аъзо бўлган эди. Эндиликда миллий спортимизни дунё миқёсида янада оммалаштириш мақсадида W.A.S.C.O – Бутунжаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Шу муносабат билан юртимизга ташриф буюрган W.A.S.C.O президенти Жанни Царицу Ўзбекистонда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш, миллий спорт турларини халқаро миқёсда оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди. Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида ўтказилган ўзбек жанг санъати бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги мамлакат чемпионатини кузатди. Мусобақада 9 ёшдан 24 ёшгача бўлган 500 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Ўзбек жанг санъати – соғломлаштириш, қўл жанги, темурийлар жанг усули ва жанг кураши каби йўналишларни ўзида мужассам этган. 2009 йил 6-8 декабрь кунлари Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) Ижроия қўмитасининг Ҳиндистонда ўтказилган йиғилишида КХА тизимида ўзбек жанг санъатининг бешта йўналишидан бири – жанг кураши бўйича Жанг кураши халқаро федерацияси ташкил этилди.

Айни пайтда мамлакатимизда 20 мингга яқин йигит-қиз 200 дан зиёд мураббий ва мутахассислардан ўзбек жанг санъати сирларини ўрганмоқда. Ўзбек жанг санъати федерацияси мутахассислари 2009 йилнинг ўзида Россия, Қозоғистон ва Жанубий Кореяда ўтказилган спорт анжуманларида янги миллий спорт турини халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола қилди. Янги тузилган Жанг кураши халқаро федерацияси мазкур спорт турини дунёга янада кенгроқ танитиш мақсадида Кураш халқаро ассоциацияси билан ҳамкорликда йирик мусобақаларда кўргазмали чиқишлар уюштириш, хорижлик мутахассис ва спортчилар учун жанг кураши бўйича илмий-амалий семинарлар ташкил этиш, уларнинг малакасини ошириш, халқаро миқёсда фаолият юритадиган кадрлар тайёрлаш каби масалалар билан шуғулланмоқда.

**(ЎзА)**





**«Юзработ» спорт мажмуасида дзюдо бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланувчи ўсмирларнинг очиқ биринчилиги бўлиб ўтди.**

Дзюдо

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ МАҲОРАТИ

Турнирга шаҳримиздан ташқари, Чирчиқ, Бекобод, Зарафшон ва Шаҳрисабздан 150га яқин ёш спортчи ташриф буюрди. Биринчиликда пойтахтимиз шарафини «ТТЗ», «Жар», «Динамо» ва «Ёшлик» клублари ҳимоя қилишди. Қатнашчилар 29 килограммдан бошлаб то 55 килограммдан ортиқ тўққизта вазн тоифаси бўйича ғалаба учун кураш олиб борди.

Биринчилик баҳсларида тошкентлик спортчиларнинг маҳоратлари юқори эканлиги яққол сезилиб турди. Буни якуний натижалардан ҳам билиб олса бўлади. Тўққизта вазннинг олтитасида А.Абдураззоқов, К.Камолов, Ж.Исмоилов, Ш.Каримов, Б.Музаффаров ҳамда Н.Ҳақбердиев каби шаҳримиз вакиллари зафар қучиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олди.

Турнир якунида барча ғолиб ва совриндорлар медаллар, дипломлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: турнир совриндорлари.**

**Алексей Попов олган суратлар**

Ҳукм ўқилди

# ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ЖАБРИНИ ТОРТАДИ

**«Носирхўжа жиноятчи экан, фирибгарлик қилиб қўлга тушибди», деган миш-миш маҳалла бўйлаб яшин тезлигида тарқалди. «Нега энди, туппа-тузук жойда ишлаб юрганди-ку, наҳотки «урилиб кетган» бўлса...»**

Ҳа, урилиб кетди. Урилганда ҳам ёмонлиги, фирибгарлиги учун қонун ҳимоячилари, адолат посбонларининг зарбасига учради. Уни таниган-билганлар прокуратурами, департаментми — қайсидир давлат ташкилотида масъул вазифада ишлайди, деб юришарди. Ўзи ҳам аслини билмаганларга шундай деб таништирарди-да...

Аслида-чи, аслида ким бўлган? Носирхўжа Муродхўжаев ҳақиқатан ҳам прокуратура ёки департамент ходими эдими? Ундай бўлса, нима гуноҳи учун Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судида олти йилга озодликдан маҳрум қилинди?

Барчада бирдек савол. Носирхўжанинг ишлари эса анча илгари бошланган эди. 2008 йилнинг май ойида қалбаки ҳужжат тайёрлаб, монополия, прокуратура ва департамент ходими сифатида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги жами 47 та дорихонани "текширув"дан ўтказган ва қўрқитиш йўли билан маълум ҳақ эвазига гўёки ишни "босди-босди" қилган. Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимларининг вақтида ўтказилган тадбири фирибгарнинг узоқ давом этган жиноий йўлига чек қўйди.

Носирхўжа чув туширган дорихоналар ичида Яккасарой туманида жойлашган "Салом-фарм" МЧЖга қарашли дорихона ҳам бор. Маълум бўлишича, Н.Муродхўжаев мазкур дорихона раҳбари Н.Арипжоновани алдаб, текширувни кечиктириш эвазига 140 минг сўм миқдоридаги маблағни олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган. Бундан ташқари, Тошкент вилоятидаги "Илҳом ота", Чилонзор ва Учтепа туманларидаги "Ҳамдард амир" ва "Магнус алфа", яна шунга ўхшаш ўнлаб дорихона раҳбарлари "дорихоналар кушандаси"нинг қармоғига илинган.

Судда Носирхўжа Муродхўжаевнинг айби жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертиза натижалари ва бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топди. У фирибгарлик, ўзганинг мулкига тажовуз қилиш каби жирканч ишларни амалга оширган. Энди қилган гуноҳларининг жабрини тортиши шарт.

**Нодир БОБОРАҲИМОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ОЧЛИКНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА

Ибтидои ишқдур жуъи шикам,
Кам дурур халқ ул қилур
жуъи шикам.

Беҳтарин одамдур ул жуъи шикам,
Бадтарин одамдур бўлса
пўр шикам.

Ишқ ҳар дам жуъдин пайдо бўлур,
Кўб егандин ишқ нопайдо бўлур.

Меъда холий бўлса руҳ учқай ҳаво,
Меъда гар пўрдур борур
тахт ас-саро.

Меъда холийға келур Ҳақдин нидо,
Меъда гар пўр бўлса руҳ
тобқай жазо.

Англа бу пандимни, эй нодон ўғул,
Меъда холий бўлса ишқ
қилгай нузул.

Меъдани пўр қилма ҳаргиз,
эй рафиқ,
Меъдаси пўр ўзнидир чоҳи амиқ.

Эй биродар, истагил тун-кунда жуъ,
Кўб емакка қилмагил ҳаргиз ружуъ.

Бўлса ким гибру жуҳуду арманий,
Нўш қилса ишқдин бўлғай ғаний.

Меъдани пўр қилса ҳар ким беҳисоб,
Оқибат бўлғай анинг ҳоли ҳароб.

Меъда гар пўрдур борур кўз уйқуга,
Ул киши албатта қолгай қайғуга.

Тут қулоғинг ичра, эй пиру жувон,
Ҳеч айб йўқ пўрхўрокликдин ёмон.

Пўрхўроклик барча иллатдин ёмон,
Камхўроклик некбахтликдин нишон.

## ЯХШИ ВА ЁМОН ИШЛАРНИНГ АҲВОЛИ ҲАҚИДА

Ҳар кишини яхши иш хушбў қилур,
Гар ёмон иш қилса ул бадбў қилур.

Ҳам яна кўб хайру эҳсон айлагил,
Ҳам яна сирringни пинҳон айлагил.

Кўр ўзунгни барча махлуқдинму кам,
Қилмас ҳар жондорга зулму ситам.

Бўл яна тун-кунда ғийбатдин йироқ,
Ҳам яна ҳар айшу ишратдин йироқ.

Ҳам яна бўл барча лаззатдин йироқ,
Ҳам яна бўлғил адоватдин йироқ.

Ҳар ёмон андишадин парҳез қил,
Ҳам кишининг ҳаққидин парҳез қил.

Емаса ҳар ким кишини ҳаққидин,
Емагайлар ул кишини ҳаққидин.

Доимо бўл судхўрликдин йироқ,
Ҳам яна бўл ҳамхўрликдин йироқ.

Бўл қаноат бирла доим сабрлик,
Бўлмағил зинҳор, зинҳор кибрлик.

Бўл яна ҳам барча ботилдин йироқ,
Бўлма тун-кун амруллоҳдин йироқ.

(Давоми бор)

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОҚОВА тайёрлаган**


# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1.Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъатининг 2009 йил 20 ноябрдаги ҳукмига асосан берилган ижро варақасига асосан Н.М.Избосаровнинг номига расмийлаштирилган умумий ер майдони 439 кв.м. дан иборат бўлган Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Э.Комилов кўчасида жойлашган 85-уй (ҳовли) қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 351 120 527 сум.

1.Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан 09.12.2009 йилдаги № 15007-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Кўк Терак Матлубот инвест» омборхонасида сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум дав.бел. X 464 NVM бўлган «ГАЗ-33021» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 6 332 754 сўм. 2. Тошкент тумани СИБ томонидан 17.02.2010 йилдаги № 1009-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Бурхон Савдо» омборхонасида сақланаётган 2008 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11 M 05-27 бўлган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 9 979 345 сўм. 3. Тошкент тумани СИБ томонидан 11.03.2010 йилдаги № 1397-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шамситдин Раҳмон Бизнес» омборхонасида сақланаётган 1972 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11 Q 01-62 бўлган «ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 974 210 сум.

1.Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан № 14486-сон ижро варақасига асосан Ўзбекистон Республикаси МХХ далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган ишлаб чиқарилган йили, кузов ва мотор рақамлари аниқлаб бўлмаган кулрангли «Митсубиси» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 54 621 199 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 4 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 2010 йил 4 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 20 май куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали ҳисоб рақамига 20208000704632976001, ТИФ Миллий банк С.Раҳимов бўлими, МФО 00876, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.**
**Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.**
**Лицензия: DB 001 №000003**





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3973 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 306

Топширилган вақти: 15.10